



**АМИР ТЕМУР ДУНЁ ТАН ОЛГАН БЮОК САРКАРДА**

**Хўжаева Гулнорахон Хусанбой қизи**

Фарғона политехника институти

**AMIR TEMUR IS ON THE GREAT COMMANDER OF THE WORLD**

**Xo`jayeva Gulnoraxon Xusanboy qizi**

**АМИР ТЕМУР НАХОДИТСЯ НА ВЕЛИКОМ КОМАНДИРЕ МИРА**

**Хўжаева Гулнорахон Хусанбой қизи**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6541948>

**Аннотация;** Мазкур мақолада тарихий ҳақиқат тушунчаси, унинг структуравий тизими, функциялари, уни anglash билан боғлиқ тарихий-фалсафий қарашлар, тараққиётнинг янги босқичида тарихий ҳақиқатнинг тарбиявий функциясининг долзарблиги, шунингдек, тарихий ҳақиқатнинг жамият маънавий ҳаётидаги аҳамияти ҳақида сўз юритилган.

**Калит сўз ва иборалар:** тарих, тарихий ҳақиқат, тарихий ҳақиқатни anglash, тарихий билиш, маънавий ҳаёт, тарихий ҳақиқатни тавсифлаш, тараққиёнинг янги босқичи

**Аннотация;** Обсуждается концепция исторической истины, ее структурной системы, функций, ее функций, а также нового уровня развития, а также важность исторической истины в духовной жизни общества

**Ключевые слова и фразы:** понимать историческую, историческую истину, историческую истину, историческое знание, описание исторической жизни, историческая истина, новый уровень развития.



**Annotation:** The concept of historical truth, its structural system, functions, its functions, as well as the new level of development, is discussed, as well as the importance of the historical truth in the society spiritual life.

**Keywords and phrases:** to understand historical, historical truth, historical truth, historical knowledge, description of historical life, historical truth, a new level of development.

Инсонлар бўладики, миллатининг, давлатининг тақдирида мислсиз ўрин тутади, салоҳияти ва ақл заковати билан жаҳоншумул аҳамият касб этади. Шундай улуғ ва буюқ давлат арбобларидан Амир Темурнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ҳар бир олиб борган ислоҳотлари тақсинга лойиқдир.

Ўрта Осиё давлат арбобларининг сиёйи-хуқуқий меросини ўрганишда соҳибқирон Амир Темурнинг ҳокимияти ва уни бошқариш тўғрисидаги қарашларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Амир Темурнинг сиёсий қарашлари ўз даври давлат бошқаруви билан бевосита боғлиқ, иккинчидан, бу масаланинг холисона ва ҳаққоний баҳоланиши давлат тепасида турган биринчи раҳбарини шахсий сифатларини мукаммалроқ билиш, унинг инсоният тарихида тутган ўрнини объектив баҳолаш имконини беради.

1370 йилда ҳокимият тепасига келган Амир Темур, дастлаб Самарқанди пойтахт шаҳарга айлантиргач, майда феодал давлатларни тугатиб, муҳим халқаро карвон йўлларини мустаҳкамлаб, марказлашган давлат туза олди. Шу жиҳатдан Амир Темур ўз даври талаб эҳтиёжларини тўғри англаган инсонпарвар хукумдор эди. Соҳибқирон мамлакатда давлат тизимида мустаҳкамлаш, бошқаришдаги тартиб интизом, қонунчиликни кенгайтиришга имконият яратиш, солиқларни тартибга солиш, мамлакат ҳимоясини таъминлаш йўлида қўшиннинг қудратини ошириш каби масалаларга катта эътибор берди.

1391 йил 18 июнда Кундузча (Самараға яқин жой) деган мавзеда Тўхтамишхон қўналғасига етиб борилади. Соҳибқирон барча қўшинларини етти қўлга бўлади.



Тўхтамишон дастлаб Амир Темурга рўбарў турган бўлса, у билан жангга киришишдан ҳайиқиб, Умаршайх Мирзо лашкари томон бурилади. Умаршайх Мирзо йигитлари ҳам тайёр турганини қўриб, Шайх Темур Сулдуз минглигига хужум бошлайди. Тўхтамишоннинг қўли устун кела бошлагач, Умаршайх Мирзо ёрдамга ташланади. Бу хабар Амир Темурга етади ва тезлик билан муҳораба майдонида пайдо бўлади. Соҳибқироннинг пайдо бўлиши билан душман жангчилари тўм-тарақай бўлиб қоча бошлайди. Амир Темурнинг жанг майдонида бўлишининг ўзиёқ душман жангчилари орасида саросималар уйғотганлигидан далолат беради.

Янги ташкил топган давлатнинг чегараларини мустаҳкамлаш, ташқи душманлардан ҳимояланиш, карвон йўлларини қароқчилардан тозалаш, ҳиёнатчи, сотқин, алдамчиларни жазолаш бўйсунмаганларни итоат эттириш, ўзининг сиёсий таъсирини кенгайтириш каби ҳолатлар Амир Темур ҳарбий юришларига сабаб бўлди. Масалан, 1379 йилда Амир Темур Ўрусхонни енгиб, Олтин Ўрда тахтига Тўхтамишонни ўтқазган, унга қўп илтифотлар қўрсатган эди. Лекин Тўхтамишон Мовароуннаҳрга бир неча бор талончилик юришларини олиб борди. Шунинг учун Амир Темур 1395 йил 15 апрелда Қундузчада Тўхтамиш ва Олтин Ўрда тақдирини бир йўла ҳал қилди.

Темур ўзининг сиёсий қарашлари ва давлатчилик фаолиятида ҳамма нарсани тинч йўл билан ҳал этишга ҳаракат қилган. Бу тўғрисида Амир Темур “Темур тузукларида ”шундай дейди. “Жаҳонгарлик қилишга киришганимда, -ёзади Соҳибқирон, -тўрт нарсани хотирамда маҳкам сақладим. Биринчиси –қайси мамлакатни забт этмоқчи бўлсам, тўғри тадбир ва кенгаш билан иш тутдим. Иккинчиси –хатога йўл қўймаслик учун ҳар бир ишни қўп ўйлаб, сергаклик ва эҳтиёткорлик билан қилдим. Учинчиси – уч юз ўн уч асил, зотли, шижаотли ва ақл фаросатлт эр йигитларни атрофимга бирлаштирдим. Тўртинчиси – қайси ишни чораю тадбир билан битиришни иложи бўлса, унда қилич ишлатмадим”.

Амир Темур таклифларини рад этган, унга нисбатан ҳар хил иғволар қилган хукумдорларга қарши дафъатан уруш эълон қилмаган. Шу ўринда айтиб ўтиш



керакки Амир Темурга ҳаёти давомида түхмату бўтонлар жуда қўп бўлган. Бундай вазиятда кечиримли бўлишни мақсад қилган Амир Темур, улар билан музокаралар олиб борган. Ҳамма нарсани тинчлик йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қилган.

Амир Темур ҳаёти давомида бунёдкорлик ишларига ҳам алоҳида эътибор берган. У Самарқандда Кўксарой, Бибихоним масжидини, Шоҳизинда мақбараси, Самарқанд атрофида Боғи чинор, Боғи шамол, Боғи Дилкушо, Боғи беҳишт, Боғи Нав каби боғ ва саройлар қурдирди. Йўллар қуриб Кўҳак Зарафшон дарёлари орқали кўприклар солинди, шунингдек, кейинчалик Амударё ва Сирдарё қўприк қурилди. Тошкент атрофига каналлар, жумладан, Сирдарёдан Оҳангаронга ҳам канал ўтказилиб, Оҳангарон қишлоғи қурилди.

Бухоро, Шаҳрисабз, Фарғона, Туркистонда карвон саройлари ва бошقا қурилишлар билан бирга ирригация иншоатлари қад кўтарди. Шаҳарлар, қишлоқлар, ҳаммомлар, мадрасалар, мақбаралар қурилиши ўша давр учун мисли кўрилмаган миқёсда ислоҳатлар эди.

Темур тузукларида шундай деган – “Мен ўлкалардаги йўлларнинг хафли бўлишини истамасдим. Йўловчилар ҳавсизлигини таъминлаш ва қўниб ўтишга манзилгоҳ қурдирдим. Уларни нарсаларини қўриқлаш учун соқчилар қўйдирдим”.

Амир Темур ўғиллари ва набиралари тўйларини Самарқанд ташқарисида, ё боғларда, ёйингки, конигил даласида, кенг-мўл майдонда, халқ қўп қатнашиши мумкин бўлган жойларда ўтказиши хуш кўрган. У конигил даласига қўчиб чиқади, шохона ўтовлар тикилади. Самарқанд хунармандлари бутун даштни авжи баҳор янглиғ тусга киритади. Узоқ-яқиндан, Соҳибқирон қадами етган ўлкалардан иззатли меҳмонлар етиб келади. Соҳибқирон шу 1392 йили Умаршайх ва Амироншоҳ Мирзоларнинг 3 фарзандини уйлантиради (194).

Бундан кўриниб турибдики, Амир Темур қанчалик халқпарвар ва хайрсаҳоватли бўлганлигидан далолат беради, яъни, халқнинг қатнашиш имкониятини



ҳисобга олган ҳолда жой танлашининг ўзи яна бир бора инсонпарварлиқдан далолат беради.

Маълумки, Темурнинг асосий ва содик таянчи унинг қўшини эди. Темур қўшинлари ўз даврида енг қудратли армия ҳисобланар эди. Ҳарбий тарих Темурни Ўрта Осиёда енг йирик лашкарбошилардан деб ҳисоблайди. Унинг ҳарбий фаолияти икки йўналишда, аскарий қисмларни қайта ташкил этишда, лашкарбоши қўмондонликда номоён бўлади.

Темурнинг армияси ўнлик, юзлик, минглик бўлинмалардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирига ҳарбий бошлиқлар раҳбарлик қиласар эди. Ҳарбий бошлиқлар раҳбарлик қилаётган бўлинмалар сонига қараб бир-бирларига кичиги катта қисмга бўйсунар эди. Армия- бўлинма- бирлашмалари қўшин армия деб аталар эди.

Қўшин турлари ичida ҳаммадан қўра отлиқ аскарлар, пиёдалар шунингдек, айғоқчи-жосуслар юқори баҳоланар эдилар.

Ҳарбий юришлар пайтида йўлларда ўрдugoҳ- қароргоҳ қуриб тўхташга тўғри келган. Агар ўрдugoҳ душманга яқинроқ жойда жойлашган бўлса унинг атрофи мудофаа иншоатлари: четан тўсиқлар, хандақлар, чуқур ва ўралар билан ўраб олинган эди.

“Темур тузукларида” Амир Темур шундай деган-“Черик тузиб, навкар олмоқчи бўлсан, уч қоидага амал қилдим: биринчидан-йигитнинг куч-қувватига, иккинчидан-қилични ўйната олишга учинчидан-ақл-заковати-ю камолотига эътибор қилдим. Шу уч фазилат жамулжам бўлса, навкарлик хизматига олдим. Негаким, куч- қувватли йигит ҳар қандай қийинчиликларга, азобу уқубатларга чидамли бўлади, қилич ўйната оладиган киши рақибни мағлуб этаолади, оқил навкар ҳар жойда ақл-идрокини ишга солиб, мушкулотни бартараф этмоғи мумкин.



Биз шундай дунё тан олган буюк шахсни авлоди эканлигимиздан қанча фаҳрлансанк шунча оз. Темурни “Темур тузуклари” ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, унда илгари ғоялар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Sabirdjahnovna K. D. Eastern thinkers on issues of personality development //Проблемы современной науки и образования. – 2020. – №. 2 (147).
2. Sabirdjahnovna K. D. Strategy of tourism development in Uzbekistan //Проблемы современной науки и образования. – 2019. – №. 11-2 (144). – С. 42-43
3. Azimjonovich R. I. ESTABLISHMENT OF THE MINISTRY OF COMMUNITY AND FAMILY SUPPORT IS AN IMPORTANT STEP IN SELF-GOVERNMENT //Epra International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) Impact Faktor: 7.032. Indiya. 2020 June. P. 161. – 2020. – Т. 163.
4. Azimjonovich R. I., Obidjonovich E. U. MAHALLA INSTITUTE-THE FOUNDATION OF CIVIL SOCIETY OF UZBEKISTAN.
5. Тожибоев У. У., Рахимов И. А. ДУХОВНЫЕ ОСНОВЫ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА //Актуальная наука. – 2019. – №. 11. – С. 137-140.
6. Рахимов И. А. ВЕЛИКИЙ ШЕЛКОВЫЙ ПУТЬ, КОТОРЫМ ВОСХИЩАЕТСЯ МИР //Современные научные исследования: тенденции и перспективы. – 2020. – С. 93-102.
7. Рахимов И. А. ОСНОВАНИЕ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА МАХАЛЛА //Инновационное развитие современной науки. – 2021. – С. 32-37.
8. Рахимов И. А. ИЗ ИСТОРИИ УПРАВЛЕНЧЕСКИХ ПРОЦЕДУР ТУРКЕСТАНСКИХ МЕСТНЫХ ИНВЕСТОРОВ В КОНЦЕ 19 И НАЧАЛЕ 20 ВЕКОВ //Актуальные вопросы современной науки и практики. – 2020. – С. 111-115.



- 9.Raximov I. A. ESTABLISHMENT OF THE MINISTRY OF COMMUNITY AND FAMILY SUPPORT IS AN IMPORTANT STEP IN SELF-GOVERNMENT //Современная наука: актуальные проблемы, достижения и инновации. – 2020. – С. 215-222.
- 10.Rakhimov I., Abdullayev S. UZBEK NEIGHBOURHOODS: HISTORY AND NOWADAYS //Вестник Ошского государственного университета. – 2019. – №. 3. – С. 34-37.
- 11.Rahimov I. NEIGHBORHOOD DEMOCRATIC MATERIAL //Обмен научными знаниями в условиях глобализации. – 2021. – С. 31-34.
- 12.Рахимов И. А., Нурматов Л. О. Ў. КЎП МИЛЛАТЛИ, КОНФЕССИЯЛИ МАҲАЛЛАЛАР ДЕМОКРАТИЯНИНГ БОШ МЕЗОНИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 1068-1074.
- 13.РАХИМОВ И. А. ДЕЙСТВИЯ УЗБЕКИСТАНА В УРЕГУЛИРОВАНИИ ПОЛИТИЧЕСКОЙ СИТУАЦИИ В АФГАНИСТАНЕ //НАУЧНОЕ ЗНАНИЕ СОВРЕМЕННОСТИ Учредители: Индивидуальный предприниматель Кузьмин Сергей Владимирович. – №. 11. – С. 5-11.
- 14.Azimjonovich R. I., Nafisaxon A., Sitoraxon K. MUSTAQILLIK YILLARIDA KO 'P MILLATLI VA KOP KONFESSIYALI MAHALLALAR FAOLIYATINI TASHKIL ETISHNING O 'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI //"Yosh Tadqiqotchi" jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 37-42.\
- 15.Ilxomjon.R. ESTABLISHMENT OF THE MINISTRY OF COMMUNITY AND FAMILY SUPPORT IS AN IMPORTANT STEP IN SELF-GOVERNMENT //Epra International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) Impact Faktor: 7.032. Indiya. 2020 June. P. 161. – 2020. – Т. 163.
- 16.Тожибоев У. У., Рахимов И. А. ДУХОВНЫЕ ОСНОВЫ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА //Актуальная наука. – 2019. – №. 11. – С. 137-140.



17.Илхомжон. Р. А. ВЕЛИКИЙ ШЕЛКОВЫЙ ПУТЬ, КОТОРЫМ ВОСХИЩАЕТСЯ МИР //Современные научные исследования: тенденции и перспективы. – 2020. – С. 93-102.

18.Ilxomjon.R, Abdullayev S. UZBEK NEIGHBOURHOODS: HISTORY AND NOWADAYS //Вестник Ошского государственного университета. – 2019. – №. 3. – С. 34-37.

19.Илхомжон. А., Нурматов Л. О. Ў. КЎП МИЛЛАТЛИ, КОНФЕССИЯЛИ МАҲАЛЛАЛАР ДЕМОКРАТИЯНИНГ БОШ МЕЗОНИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 1068-1074.

20.Raximov. I., Nafisaxon A., Sitoraxon K. MUSTAQILLIK YILLARIDA KO 'P MILLATLI VA KOP KONFESSIYALI MAHALLALAR FAOLIYATINI TASHKIL ETISHNING O 'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI // "Yosh Tadqiqotchi" jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 37-42.

21.Мирзаев А. А. ЎЗБЕКИСТОНДА ГИД ТАРЖИМОНЛАР ЭТИКА СТАНДАРТЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ //ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ПОЛИТОЛОГИЯ, СОЦИОЛОГИЯ, ФИЛОСОФИЯ, ИСТОРИЯ. – 2019. – С. 81-84.

22.Эргашев У. О., Мирзаев А. А. СОДЕРЖАНИЕ ПОВЫШЕНИЯ ПОЗИТИВНЫХ ИЗМЕНЕНИЙ В ДУХОВНОМ МИРОВОЗЗРЕНИЯ МОЛОДЕЖИ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ //Интернаука. – 2019. – №. 45-1. – С. 62-63.

23.Азимов У. А., Умурзаков А. М., Абдурахмонов Г. З. Духовное мировоззрение и его влияние на национальные ценности //Вестник науки и образования. – 2019. – №. 19-3 (73). – С. 62-64.

24.Azimov U., Umurzakov A. GLOBAL PROBLEMS AND GENERAL VALUES. – 2020.

25.Умурзаков А. М. Влияние различных факторов на процесс обучения студентов //Проблемы современной науки и образования. – 2019. – №. 12-2 (145). – С. 176-178.



26.Умурзаков А. М. ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ВЕРЫ //Экономика и социум. – 2021. – №. 4-2. – С. 507-510.

27.Azimov U., Umurzakov A. HIERARCHY OF VALUES AND PERSONAL VALUES //Экономика и социум. – 2021. – №. 1-1. – С. 354-355.

28.Умурзақов А. М. ДИНИЙ ФАНАТИЗМ ВА ЭҮТИҚОД МАСАЛАЛАРИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1563-1567.

29.Усмонова Мухтасар Акбаровна, Расулова Шоира Азизовна Влияние темперамента на деятельность и поведение человека // Вестник науки и образования. 2019. №19-3 (73).

30. Usmonova M. A. ABOUT SOME ASPECTS OF FAMILY EDUCATION //Экономика и социум. – 2021. – №. 3-1. – С. 341-343.

31.Усмонов Н. Глобализация сквозь призму морали// Экономика и социум. – 2021. – №.11(90). – С.538-541.

32.Усмонов Н, Усмонова М Узбекистан на пути демократических преобразований // Экономика и социум. – 2021. – №. 11 (90). – С. 530-533.

33.Мадинабону Қ., Дилдора Қ. АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ШАҲАРСОЗЛИК РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ."'" URBAN DEVELOPMENT HISTORY DURING THE TIME OF AMIR TEMUR."«ИСТОРИЯ ГОРОДСКОГО РАЗВИТИЯ ВО ВРЕМЯ АМИРА ТЕМУРА //Yosh Tadqiqotchi Jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 3. – С. 38-44.

34.РАХИМОВ И. А. ДЕЙСТВИЯ УЗБЕКИСТАНА В УРЕГУЛИРОВАНИИ ПОЛИТИЧЕСКОЙ СИТУАЦИИ В АФГАНИСТАНЕ //НАУЧНОЕ ЗНАНИЕ СОВРЕМЕННОСТИ Учредители: Индивидуальный предприниматель Кузьмин Сергей Владимирович. – №. 11. – С. 5-11.

35.ТИШАБАЕВА, Л., & КАДИРОВА, Д. ЭКОНОМИКА И СОЦИУМ. ЭКОНОМИКА, 446-449.